Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 16 июль, № 144 (9315) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

БЕЛАРУСЬ БИЛАН ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Беларусга ташриф давомида ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича эришилган келишувлар ижросига доир тақдимот билан танишди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг 8-9 июль кунлари ушбу мамлакатга амалга оширилган расмий ташрифи чоғида ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш ва тиббиёт соҳаларида умумий қиймати 2 миллиард долларлик 310 та лойиҳа ва чора-тадбирни рўёбга чиқариш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари уларни қисқа муддатда амалий натижага айлантириш, янги корхоналар ва иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Беларусда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун таклиф этилаётган саноат объектлари, давлат мулки ва кенг қишлоқ хўжалиги ерлари мавжуд. Мамлакат ҳудудининг 40 фоизини ёки 8 миллион гектарини қишлоқ хўжалиги майдонлари ташкил этади.

Бу имкониятлар қўшма ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш, аграр кооперацияни ривожлантириш, тадбиркорлик алоқаларини кенгайтириш ҳамда фуқароларни ташкилий асосда иш билан таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади.

Бунда Беларусда ишлаш ёки бизнес юритиш истагидаги фуқаролар ва тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб, Беларусь томони билан олдиндан келишиб, иш жойи, яшаш шароити, лойиҳа учун зарур бино ва ер масалаларини ҳал этган ҳолда уларнинг боришини ташкил қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда Андижон ва Витебск вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида бажарилган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Икки ҳудуд ўртасида “Йўл харитаси” тасдиқланиб, аниқ ташаббусларни рўёбга чиқариш бошланган. Жумладан, 255 нафар Андижон вилояти фуқаросининг ташкилий асосда Витебскка бориши ва бандлиги таъминланди.

Шунингдек, 11 та чорвачилик мажмуаси негизида янги лойиҳаларни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди. Уларнинг ҳар бири 200 бошдан 3 минг бошгача қорамол парваришлаш имкониятига ҳамда етарли озуқа майдонларига эга.

“Андижон инвест” компанияси иштирокида йирик чорвачилик комплекси ва санаторий мажмуаси негизида инвестиция ҳамда ижтимоий ташаббусларни бошлаш чоралари кўрилмоқда.

Умуман, Витебск ва Беларуснинг бошқа вилоятларида чорвачилик, ёғочни қайта ишлаш, логистика, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 30 та янги лойиҳа пакети шакллантирилди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ АВЛОД РАҲБАР КАДРЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ АСОСИДА САРАЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев иқтидорли бошқарувчилар, лидерлар ва янги авлод раҳбарларини аниқлаш ва танлаш ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда Ўзбекистон интеллектуал салоҳият ва юқори технологияларга асосланган янги ривожланиш босқичига ўтмоқда. Мамлакатимизга ҳар йили 50 миллиард доллардан зиёд инвестиция кириб келмоқда, экспорт ҳажми 40 миллиард долларга яқинлашмоқда, замонавий корхоналар ишга туширилмоқда.

Бундай шароитда профессионал давлат хизмати ва рақобатбардош иқтисодиёт учун зарур кадрларни олдиндан тайёрлаш стратегик аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда давлат бошқарувида кадрларни танлаш ва баҳолаш тизими изчил рақамлаштирилди. Илк бор 87,7 минг нафар давлат хизматчисининг ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилди. Давлат хизматига қабул қилиш очиқ танлов асосида, номзодларнинг билим ва кўникмаларини инсон омилисиз баҳолаш орқали амалга оширилмоқда.

Тақдимотда сунъий интеллект ёрдамида тармоқлар ва ҳудудларнинг драйвер соҳалари таҳлил қилиниб, 50 дан ортиқ замонавий касблар бўйича бошқарув кадрларига эҳтиёж мавжудлиги аниқлангани қайд этилди. Айниқса, энергетика ва “яшил” технологиялар, қурилиш ва урбанизация, қишлоқ ва сув хўжалиги, рақамлаштириш ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишларида малакали мутахассисларга талаб юқори.

Давлатимиз раҳбари тайёр кадрлар базаси бўлмаса, бошқарув тизимида узилишлар юз бериши, иш самарадорлиги ва қарорлар сифати пасайишини таъкидлади.

Кадрларни баҳолашда эскича “объективка” усулидан воз кечиб, номзоднинг билими, касбий тажрибаси, психологик хусусиятлари, стратегик фикрлаши ва лидерлик қобилиятини қамраб оладиган портфолио тизимига ўтиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Янги тартибга кўра, истиқболли бошқарувчилар рақамли технологиялар асосида 100 баллик мезон бўйича баҳоланади. Катта маълумотлар ва бизнес-таҳлил воситалари орқали юқори салоҳиятли кадрлар аниқланиб, улар учун сунъий интеллект ёрдамида индивидуал касбий ривожланиш режалари ишлаб чиқилади. Мазкур тизимни дастлаб қишлоқ хўжалиги, олий таълим ва қурилиш соҳаларида синовдан ўтказиш таклиф этилди.

Ҳар икки йилда 500 нафар истиқболли бошқарувчини саралаб олиш, шу тариқа 2030 йилга қадар 1,5 минг нафар юқори салоҳиятли мутахассисдан иборат янги авлод раҳбар кадрлар захирасини яратиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

АНДИЖОН ВА ВИТЕБСК ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Олий даражадаги Ўзбекистон — Беларусь келишувларига мувофиқ, Андижон вилоятининг дастлабки 255 нафар фуқароси Беларусга етиб борди.

Беларусь Президенти Александр Лукашенко ва Андижон вилояти ҳокими Шуҳрат Абдураҳмонов Витебск вилоятида бўлиб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Ҳамкорлик режалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 8-9 июль кунлари Беларусга қилган расмий ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида эришилган келишувлар доирасида ривожлантирилмоқда. Улар турли соҳаларга сармоя киритиш ва Ўзбекистон фуқароларини Беларусга ишлашга жалб қилишни назарда тутади.

“Мен Ўзбекистон Президентига буни амалга оширишга ваъда бердим. Бу биз учун манфаатли. Шу тариқа Витебск вилояти ривожланади”, деди Президент Александр Лукашенко.

Унинг сўзларига кўра, вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга ва зарурат туғилса, қайта ишлаш корхонасини биргаликда қуришга тайёр. “Биз бородарларча ишлаймиз! Бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади”, дея таъкидлади Беларусь етакчиси.

2

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Жаҳон иқтисодиёти ва глобал капитал харитаси кескин ўзгараётган, глобаллашув ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда суғурта бозори хавфларни қайта тақсимлаш механизми сифатида иқтисодий субъектлар фаолиятини кафолатлаш, капитални самарали йўналтириш, аҳоли фаровонлиги ва давлат молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Зеро, суғурта — аҳоли ижтимоий ҳимоясининг муҳим шарти бўлиб, иқтисодиётни диверсификация қилиш ва унинг барқарорлигига эришишда катта аҳамият касб этади.

Мулоҳаза

Мамлакатимизда суғурта хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган давлатлардаги кўрсаткичга нисбатан камроқ. Буюк Британия, Франция, Нидерландия каби мамлакатларда бу кўрсаткич анча юқори, ҳатто 10 фоиздан ҳам ошади. Масалан, АҚШда 3 мингга яқин суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатилади. Юртимизда эса бу кўрсаткич ўртача 150 тани ташкил этади.

Ўзбекистон суғурта бозорида 36 та суғурта ташкилоти иккита йўналишда (шулардан, 27 таси умумий суғурта ва 7 таси ҳаётни суғурта қилиш ва биттаси фақат қайта суғурта соҳасида) фаолият юритмоқда.

Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги умумий суғурта мукофотлари 2025 йилда 13,46 трлн. сўмга етди, бу 2024 йилдагига нисбатан 37,8 фоиз ўсганини англатади.

Жорий йил 1 чорак якуни бўйича суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофотлари 4,0 трлн. сўмга етиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 52,7 фоиз ўсиш таъминланган.

Мамлакатимизда суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2

Йиғилиш

КУН ТАРТИБИДА — КОРРУПЦИЯ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгашининг қўшма мажлисида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари муҳокама қилинди.



Йиғилишда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов, Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Г. Маъруфова ва шунингдек, Солиқ қўмитаси раҳбарияти, халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгаши депутатлари, маҳаллий ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда мутасадди идоралар вакиллари иштирок этди.

Мажлисда туман ҳокими, прокурор ҳамда ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, мавжуд ҳолат юзасидан депутатлар томонидан қатор масалалар ўртага ташланди.

Жумладан, туманда кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2026 йилнинг биринчи ярмида муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 50 фоизга, ёшлар жинояти — 38, аёллар жинояти — 25 ҳамда маст ҳолатда қўл урилган жиноятлар 14,2 фоизга қисқарган. Айни чоғда ички ишлар органлари ташаббуси билан аниқланган жиноятлар сони 19 фоизга кўпайгани профилактика ишлари самарадорлиги ортиб бораётганидан далолат беради.

Муҳокама чоғида айрим йўналишларда олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Жумладан, профилактик тадбирлар ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли билан манзилли ишлаш, белгиланган вазифаларнинг ахборот платформаларида тўлиқ акс эттирилишига эришиш, масъул ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қўшма қарор қабул қилинди ва белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси раҳбарияти, Кенгаши аъзолари, депутатлар, шунингдек, Ўзбекистон Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги масъул ходимлари ва мутахассислари иштирок этди.



Йиғилишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шаҳрига ташрифи доирасида Ўзбекистон металлургия комбинатида қора металлургия саноатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, хусусан, қурилиш маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш, мазкур соҳада учраётган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш ва ҳуқуқий чораларнинг мутаносиблигини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидландики, бугунги кунда қурилиш соҳасида унинг сифати устидан назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий тизими яратилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан “Бозор назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юборилган.

Ушбу ҳужжат маҳсулот хавфсизлигини таъминлашга оид қонунчилик ҳужжатлари ва техник регламентлар билан белгиланган талабларга номувофиқ сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган, импорт қилган ёки тарқатган шахсларга нисбатан аниқ таъсир чораларини белгилаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада самарали ҳимоя қилишга қаратилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенатга юборилган. Айни пайтда мазкур қонунлар Олий Мажлис Сенати томонидан кўриб чиқилмоқда.

Қўмита аъзолари Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда қурилиш маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш, хусусан, техник регламентларнинг мажбурий талабларига риоя этмаслик учун жавобгарликни янада кучайтириш бўйича ҳамкорликда таклифлар ишлаб чиқишга келишиб олди.

«Халқ сўзи».

КЕЛАЖАК САРИ МАСЪУЛИЯТЛИ ҚАДАМ





Акмал МУҲАММАДОВ олган суратлар.

Юртимизда минглаб ёшларнинг орзу-интилишлари, билим ва салоҳияти синовдан ўтаётган муҳим палла — 2026/2027 ўқув йили учун олий таълим ташкилотларининг бакалавриат таълим йўналишларига тест синовлари бошланди. 14 июлдан старт олган имтиҳонлар республика бўйлаб махсус тайёрланган ҳудудларда икки сменада ташкил қилинмоқда ва 23 июлга қадар давом этади.

«Абитуриент — 2026»

Бугун мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ёшларнинг билим олиши учун яратилаётган имкониятлар натижасида олий таълимга интилаётганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу йил ҳам қабул жараёнига қизиқиш юқори бўлиб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотига кўра, бакалавриат таълим йўналишларига ўқиш учун 677 минг 907 нафар абитуриент онлайн рўйхатдан ўтган.

Уларнинг 451 минг 744 нафари ёки 66,6 фоизи жорий йилги мактаб битирувчилари бўлса, 226 минг 163 нафари аввалги йилларда таълим муассасаларини тамомлаган ёшлар ва фуқаролардир. Бу рақамлар юртимизда олий маълумот олишга интилиш тобора кучайиб бораётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Эътиборга молик яна бир жиҳат — абитуриентларнинг 365 минг 196 нафари, яъни 53,9 фоизи хотин-қизлар. Бу мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим олиши ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун яратилаётган кенг имкониятлар ўз самарасини бераётганидан далолат.

Қабул жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда тест синовлари “test2026.uz” платформаси орқали жонли эфирда намойиш этилмоқда. Абитуриентлар эса имтиҳон ўтказиладиган сана, вақт ва манзил ҳақидаги маълумотларни “my.uzbmb.uz” порталидаги шахсий кабинетлари орқали билиб олишлари мумкин.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 16 июль

БЕЛАРУСЬ БИЛАН ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙТИРИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Витебск вилоятида 3 минг бош қорамолга мўлжалланган йирик сутчилик мажмуаси, бир қатор ўрта ҳажмдаги чорвачилик хўжаликлари, ёғочни чуқур қайта ишлаш ва унинг чиқиндиларидан пеллет ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш режалаштирилган.

Президентимиз Андижон ва Витебск вилоятлари ўртасида шаклланган ҳамкорлик моделини бошқа ҳудудлар кесимида ҳам ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари Беларуснинг Витебск, Могилёв, Гродно, Гомель ва Брест вилоятларига бириктирилади. Саноат ва аграр объектлар негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, тадбиркорлик лойиҳаларини жойлаштириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида "йўл хариталари" тасдиқланади.

Ҳар бир ҳудуддан 30 нафардан етакчи тадбиркорни Беларусга олиб бориб, маҳаллий шериклар билан қўшма ташаббусларни бошлаш вазифаси қўйилди.

Ўзаро савдони жадаллаштириш ва юк ташиш харажатларини камайтириш мақсадида замонавий логистика инфратузилмасини барпо этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йил якунига қадар "Беларусь темир йўллари" билан ҳамкорликда Витебск вилоятидаги Орша станциясида экспорт-импорт юклари учун мақбул тарифлар асосида хизмат кўрсатадиган интермодал логистика марказини ишга тушириш белгиланди.

Шунингдек, Беларусь компаниялари билан ҳамкорликда икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри блок-поездлар қатновини йўлга қўйиш вазифаси қўйилди.

Фуқароларни ташкилий тартибда ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Биринчи босқичда Витебск ва бошқа ҳудудлардаги 13 та корхонага 1 минг 100 нафар Ўзбекистон фуқаросини танлов асосида ишга жойлаштириш режалаштирилган.

Сентябрь ойидан бошлаб ҳар ойда 500 нафардан, жами 5 минг нафар андижонликни Витебск вилоятида доимий иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Бунинг учун Витебск шаҳрида Миграция агентлиги ваколатхонаси очилади.

Тадбиркорларга Беларусда ҳисобварақ очиш, устав фондига маблағ ўтказиш ва лойиҳаларига молиявий ресурслар олишда кўмаклашиш вазифаси қўйилди.

Витебскда замонавий сутчилик мажмуаси, ёғочни қайта ишлаш заводи ва логистика компаниясини ташкил этиш учун зарур маблағларни қулай шартларда ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир келишув аниқ лойиҳа, янги корхона, қўшимча савдо ҳажми ва муносиб иш ўрнига айланиши шартлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга эришилган натижаларни тизимли назорат қилиш ва "йўл хариталари" ижросини танқидий таҳлил қилиб бориш топширилди.

ЯНГИ АВЛОД РАҲБАР КАДРЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ АСОСИДА САРАЛАНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тақдимотда раҳбарлик лавозимлари учун захирани шаффоф шакллантиришга қаратилган "ТОП — 100" очиқ танловини ўтказиш механизми ҳам баён қилинди. Танлов аграр соҳа, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик, суд-ҳуқуқ, таълим, ахборот технологиялари ва сунъий интеллект йўналишларини қамраб олади.

Номзодлар тест, комплекс касбий баҳолаш ва суҳбат босқичларидан ўтади. Голиблар махсус ўқув курсларида тайёрланиб, миллий кадрлар захирасига киритилади, уларнинг касбий ўсиши ва раҳбарлик лавозимларига тайинланиши бўйича манзилли чоралар кўрилади.

Миллий кадрлар захирасини шакллантиришда хориждаги ватандошлар, шунингдек, дунёнинг энг нуфузли 100 та университетини тамомлаган ва уларда таҳсил олаётган ёшлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Бу борада 2026 йил 1 октябрдан "career.edu.uz" платформасида "Хориждаги талабалар" модулини ишга тушириш режалаштирилган. У орқали чет элда таълим олаётган ёшлар давлат идоралари ва хусусий корхоналарга бириктирилади, уларнинг амалиёт ўташи, иш берувчилар билан мулоқоти ҳамда келгусида ишга жалб қилиниши таъминланади.

Йиғилишда "Эл-юрт умиди" жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Ўтган йили жамғарма трансформация қилингани натижасида дунёнинг энг нуфузли 100 та олийгоҳи талабаси бўлган стипендиатлар улуши 30 фоиздан 80 фоизга етди. Сўнгги йилда янги тартиб асосида ўтказилган учта танловда 447 нафар иқтидорли ёш стипендия соҳиби бўлди.

Шу билан бирга, жамғарма дастурларини ҳудуд ва тармоқларнинг аниқ эҳтиёжларига боғлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Иқтидорли ёшларни хорижий университетларда манзилли тайёрлаш, ўқиш харажатларини йирик корхоналар билан биргаликда молиялаштириш, нуфузли хорижий олийгоҳлар билан қўшма дастурларни йўлга қўйиш бўйича таклифлар билдирилди.

Шунингдек, битирувчиларнинг илмий тадқиқотлари, стартаплари ва ислоҳотларга қаратилган ташаббусларини кичик грантлар орқали қўллаб-қувватлаш, юқори бўғин раҳбарлари учун Сингапур, Малайзия, Буюк Британия ва Япония тажрибаси асосида лидерлик дастурларини ташкил этиш режалари кўриб чиқилди.

Президентимиз кадрларни саралашда очиқлик ва холисликни таъминлаш, иқтидорли мутахассисларни тизимли равишда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг салоҳиятидан мамлакат тараққиёти йўлида самарали фойдаланиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎзА.

Сенатор сўрови

ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан юборилган сенатор сўровига Ёшлар ишлари агентлиги асослантирилган жавоб берди.

Маълум қилинишича, сўровда кўтарилган масалалар юзасидан Ички ишлар вазирлиги ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида тезкор ўрганишлар ўтказилиб, тизимли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Хусусан, ID-картага эга бўлмаган 2 671 нафар вояга етмаганнинг оилавий шароити ўрганилиб, 889 нафарига амалий ёрдам кўрсатилган. Жумладан, 533 нафари ID-карта билан таъминланиб, 121 нафари касб-ҳунарга ўқитилган. Учтаси доимий ишга жойлаштирилиб, 232 нафарига бошқа турдаги ижтимоий ёрдамлар берилган.

Шунингдек, жорий йилда "Ёшлар дафтари" жамғармалари маблағлари ҳисобидан 431 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаган ўсмирларнинг тўғарак харажатлари, 128 нафарининг касбий таълим шартнома тўловлари қоплаб берилган ва 29 нафари замонавий касбларга ўқитилиб, 9 тасининг даволаниш харажатлари молиялаштирилган.

Жиноятчиликка мойиллиги бўлган 1 851 нафар вояга етмаган билан профилактик ишлар олиб борилиб, уларнинг бир қисми IT ва хорижий тилларга ўқитилган ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларига жалб этилган. Бундан ташқари, ID-картаси мавжуд бўлмаган ёшларни ҳужжатлаштириш, касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ва бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар белгиланган.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари доирасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси, "Келажакка қадам" ва "Ёшлар бизнеси" дастурлари орқали минглаб йигит-қизларнинг бизнес лойиҳалари молиялаштирилиб, иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганларни ҳисобга олиш, касб-ҳунарга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

1

Хусусан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномалари бўйича товон тўлаш мажбурияти суғурта ташкилотлари томонидан лозим даражада бажарилмаётган ҳолатларда суғурта ҳодисаси оқибатида (ЙТҲ, бахтсиз ҳодисалар) жабрланган, шунингдек, молиявий қийинчиликларга дуч келган фуқаролар ва ташкилотларни давлат божини тўлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлардан озод этиш учун "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, унга кўра улар давлат божи тўлашдан озод этилди.

Суғурта хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ва унга мувофиқ, барча суғурта полисларини электрон шаклда расмийлаштирилиб, суғурта тўловларига оид аризаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши мониторингини юритиш мақсадида барча суғурта даволари ягона тизимда рўйхатдан ўтказилади.



Шунингдек, суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби янги таҳрирда тасдиқланиб, унга кўра суғурта мижозларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мажбурий суғурта бўйича суғурта товонлари ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида суғурталовчи учун қатор жарималар белгиланди.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бойитилди. Мазкур ҳужжат "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун меъёрлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди ва бу билан мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари уйғунлаштирилди.

Мамлакатимизда суғурта бозори сўнгги йилларда сезиларли ўсиш ва ички тузилмавий ўзгаришларга юз тутмоқда. Молиявий барқарорлик ва иштирокчиларнинг фаоллигига қарамай бозор ҳануз тўлиқ ривожланмаган, айрим соҳаларда эса тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Суғурта хизматларининг кенг оммага етиб бориши, ишонч даражасининг ошиши ва рақобат муҳитининг шаклланиши учун давлат сиёсати, регуляторлар ҳамда бозор иштирокчилари биргаликда ҳаракат қилиши зарур. Фақат шундагина суғурта бозори мамлакат иқтисодиётида фаол, барқарор ва ижтимоий аҳамиятга эга молиявий институтга айлана олади.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

АНДИЖОН ВА ВИТЕБСК ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

1

Ҳоким Шуҳрат Абдураҳмонов Витебск вилоятида яратилган иш шароитлари учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саломини етказди.

Александр Лукашенко ўзбекистонлик ишчилар уй-жой билан таъминланиши, уларнинг фарзандлари эса беларуслик болалар билан бир хил шартларда болалар боғчалари ва мактабларга бориши мумкин бўлишини қайд этди. "Бу ерга келгач улар биз учун бегона эмаслигини билишлари керак", деди у.

Шунингдек, Беларусь давлат раҳбари нафақат Витебск, балки Могилёв вилоятининг жануби-шарқий туманларида ҳам ишлаш имкониятини кўриб чиқишни таклиф қилди. Ўзбекистон фуқароларини қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига, кичик тиббиёт ходими сифатида жалб этиш режалаштирилмоқда.

Бир кун аввал Андижон вилоятининг дастлабки 255 нафар фуқароси Витебск вилоятига етиб келган эди. Умуман, эришилган келишувлар доирасида мамлакатга жами 5 минг нафар ишчи юбориш режалаштирилган бўлиб, улар сентябрь ойидан бошлаб 500 кишилик гуруҳларда кела бошлайди.

Келишувларда Ўзбекистон томонига еттита туманда қорамол парваришлаш учун 10 та бино ва 8 минг гектар қишлоқ хўжалиги ери ажратиш назарда тутилган. Вилоятнинг Бешенковичи туманида картошка етиштириш учун 2 минг гектар ер ажратилади. Беларусь ҳамкорларни уруғлик, технологиялар ва мутахассислар ёрдами билан таъминлаши таъкидланди.

Бундан ташқари, томонлар ёғочга ишлов бериш, ёғоч ёқилғи пеллетларини ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш ниятида. Витебскда Ўзбекистон маҳсулотлари савдо уйи очилди ва ўзбек таомлари ресторани учун бино танланди. Богушевск шаҳарчасидаги собиқ санаторий-мактабни Ўзбекистон фуқаролари дам олиши учун туристик базага айлантириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Тошкент шаҳрида Беларусь билан келишувларни амалга ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш юзасидан топшириқ берди.

Биринчи босқичда танлов асосида 1,1 минг кишини Витебск ва Беларуснинг бошқа вилоятларидаги 13 та корхонага ишга юбориш режалаштирилган. Ушбу жараённи қўллаб-қувватлаш мақсадида Витебск шаҳрида Ўзбекистон Миграция агентлигининг ваколатхонаси очилади.

Йиғилишда Беларуснинг Витебск ва бошқа вилоятларида умумий қиймати 100 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 30 та янги қўшма лойиҳа тўплами шакллантирилгани қайд этилди. Улар чорвачилик, ёғочга ишлов бериш, логистика, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олади.

Йил охиригача Орша станциясида имтиёзли тариф шартларида экспорт-импорт юкларига хизмат кўрсатадиган интермодал логистика марказини очиш ҳам режалаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Президентининг Беларусга ташрифи доирасида томонлар икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини 2 млрд. долларгача етказишни ҳамда турли тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутувчи Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларацияни имзолаган эди.

«Дунё» АА.
Минск

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ — ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ҳамда Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ташаббуси билан навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди. Унда олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, таълим жараёнларини меҳнат бозори эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

«Ҳукумат соати»

Кун тартибидаги масала юзасидан олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ. Шарипов депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, таълим жараёнларини меҳнат бозори эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада қабул параметрларини иқтисодиётнинг реал эҳтиёжларига мослаштириш, иш берувчилар иштирокини кенгайтириш, рақамли хизматларни жорий этиш ҳамда талабаларнинг замонавий компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вазир айтишича, олий таълим тизимида давлат буюртмасини шакллантириш меҳнат бозори эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари талаблари ҳамда битирувчиларнинг бандлик кўрсаткичлари таҳлили асосида амалга оширилмоқда. 2025 йилдан бошлаб давлат буюртмаси параметрлари олий маълумотли кадрларга бўлган прогноз талаб асосида тўрт йиллик давр учун тасдиқланди. Бу эса таълим тизими билан иқтисодиёт эҳтиёжлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

2026/2027 ўқув йили учун давлат гранти асосидаги қабул квоталари 36 023 тани ташкил этди. Шунингдек, бакалавриатнинг кундузги таълим шакли бўйича умумий қабул параметрлари 234 мингдан ортиқ белгиланди. Бу жараёнда муҳандислик, ахборот технологиялари, педагогика ва аграр соҳаларга бўлган эҳтиёжлар устувор ҳисобга олинмоқда.

Таъкидланганидек, олий таълим муассасаларида иш берувчилар билан ҳамкорликнинг янги институционал механизмлари жорий этиляпти. Жумладан, корхоналарда кафедра филиаллари очилмоқда, олий таълим муассасалари ҳузурида ҳамкорлик кенгашлари фаолият юритмоқда. Спин-офф корхоналар ва стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизими кенгайтирилаётир.

"Ҳукумат соати"да қайд этилганидек, сўнгги йилларда олий таълим қамровининг кенгайиши натижасида битирувчилар сони ҳам изчил ўсмоқда. 2025/2026 ўқув йилида олий таълим муассасаларини 323 мингдан ортиқ талабалар тамомлади. 2027 йилда эса меҳнат бозорига 390 мингдан ортиқ битирувчилар кириб келиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг иш берувчилар билан тўғридан-тўғри мулоқотини таъминлаш мақсадида мамлакат бўйлаб "ТалабаЭкспо" касб кўргазмалари, меҳнат ярмаркалари ва маҳорат дарслари мунтазам ўтказилаётир. Жорий йилда 378 та меҳнат ярмаркаси, 1 243 та воркшоп ташкил этилди. Уларда 7 700 дан кўп иш берувчилар, 144 мингдан зиёд битирувчилар қатнашди. 18 минг нафар ёш билан ишга қабул қилиш бўйича дастлабки келишувларга эришилди.



Бундан ташқари, "ТалабаЭкспо — 2026" доирасида 1 000 дан ортиқ йирик иш берувчилар иштирок этди. 60 мингга яқин талаба ва битирувчилар қатнашган мазкур тадбир натижасида 9 347 нафар талаба билан ишга жойлашиш тўғрисида бир тўхтамга келишилди. Шу билан бирга, таълим дастурлари халқаро тажриба асосида такомиллаштирилмоқда. "ТОП — 300"таликка кирган хорижий университетлар ўқув дастурлари асосида минглаб таълим дастурлари янгиланди, янги дарсликлар ва электрон таълим ресурслари яратилди.

Муҳокама чоғида битирувчиларни ишга жойлаштириш тизимини самарали юритиш мақсадида "career.edu.uz" электрон платформаси ишга туширилгани алоҳида айтилди. Платформа орқали битирувчиларнинг бандлик ҳолати реал вақт режимида мониторинг қилиниб, иш берувчиларга муносиб номзодлар тавсия этиляпти ҳамда талабаларга мутахассислигига мос бўш иш ўринлари таклиф қилинмоқда.

Рақамли мониторинг натижасида битирувчиларнинг бандлик кўрсаткичлари изчил яхшиланаётир. Жумладан, 2026 йилнинг май-июнь ойлари давомида иш билан банд бўлмаган битирувчилар сони 19 минг нафарга қисқарган. Шунингдек, техникум битирувчиларининг амалиёт ўташи, шартномаларни расмийлаштириш, давомат ва бандлик мониторинги ҳам босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда.

Вазирнинг таъкидлашича, бугунги кунда барча таълим йўналишлари талабалари учун сунъий интеллект, рақамли технологиялар, ахборот технологиялари ва рақамли саводхонлик бўйича қўшимча компетенцияларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, талабалар учун сунъий интеллект бўйича халқаро таълим платформалари билан интеграция йўлга қўйилди. Бу уларга замонавий рақамли кўникмаларни эгаллаш ва халқаро даражада тан олинадиган сертификатларга эга бўлиш имконини яратмоқда.

Муҳокама давомида сиёсий партиялар фракциялари аъзолари соҳадаги долзарб масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, қатор саволларни ўртага ташлади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқиб олий таълим классификаторига сўнгги йилларда қандай янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари киритилгани юзасидан саволлар берди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари инсон капиталини ривожлантириш, ёшларимизнинг эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича муносиб иш ўрнига эга бўлиши нафақат иқтисодий, балки миллат келажаги билан боғлиқ стратегик масала эканлигини таъкидлаб, "career.edu.uz" платформасида резюме шакллантирган битирувчиларнинг қанча қисми иш билан таъминлангани, шундан қанчаси ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашгани билан қизиқди.

"Адолат" СДП фракцияси аъзолари битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан олий таълим ташкилотлари ректорлари учун қандай аниқ KPI ва шахсий жавобгарлик мезонлари белгиланганлигига эътибор қаратди.

ЎзХДП фракцияси вакиллари марказ ва ҳудудлар ўртасидаги "рақамли тафовут"нинг ёшлар учун янги ижтимоий тенгсизликка айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида вазирлик томонидан ҳудудий олий таълим муассасалари кесимида аниқ молиявий манбалари, муддатлари ва натижавий кўрсаткичлари белгиланган алоҳида дастур ишлаб чиқилгани билан қизиқди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси депутатлари эса "яшил" иқтисодиётга ўтиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрлар таркиби ва таълим дастурлари "яшил" иш ўринлари эҳтиёжларига қай даражада мослаштирилганига оид масалани кўтарди.

Вазир депутатларнинг саволларига жавоб бериб, улар томонидан билдирилган таклифлар соҳани янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

"Ҳукумат соати" якунида олий таълим тизимини меҳнат бозори эҳтиёжлари билан узвий боғлаш, ўқув сифатини янада ошириш, битирувчиларнинг касбий рақобатбардошлигини кучайтириш ҳамда уларнинг бандлигини кафолатлаш, бунда амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, шунингдек, мазкур соҳада самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Кувайтнинг «Suma Fruits» компанияси ва Тошкент шаҳридаги «Globuz Marketing» корхонаси ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича умумий қиймати 600 минг АҚШ долларига тенг бўлган шартнома имзоланди.

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига



Сўнгги ўн йил Ўзбекистон учун чинакам тарихий бурилиш даври бўлди. Бу йиллар мамлакатимиз тараққиётида ислоҳотлар сўзда эмас амалда, ҳаётнинг ўзида намоён бўлгани билан аҳамиятлидир.

ЮТУҚ ВА МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Ислоҳотларнинг халқ ҳаётига чуқур кириб боргани энг катта ютуғимиз бўлди. Бугун ҳар бир ҳудудда, ҳар бир маҳаллада, ҳар бир хонадонда давлат сиёсати натижаларини кўришимиз мумкин. Янги иш ўринлари, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши, таълим ва тиббиёт инфратузилмасининг яхшиланиши — буларнинг барчаси давлат сиёсатининг халқ манфаатига хизмат қилаётганини тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг миллий суверенитети ва давлат мустақиллиги ғояларининг сиёсий-ҳуқуқий кафолатларини ўзида мужассам этган янги таҳрирдаги Конституциямиз асосидаги тараққиёт йўлимиз инсон қадр-қимматини юксалтириш, кўп миллатли жамиятимизда дўстлик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, юртимизда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш каби муҳим масалаларда мустаҳкам таянч бўлиб келмоқда.

Шу ўринда мустақиллик йилларида парламент фаолиятининг конституциявий ривожланиш тенденцияларига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Зеро, демократиянинг сифати қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мустақиллиги, таъсирчан назорат ваколатлари ҳамда депутатларнинг ҳақиқий вакиллик миссиясини тўлиқ бажаришига бевосита боғлиқ. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямизда парламент палаталари, яъни Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ҳамда алоҳида-алоҳида ваколатлари ва масъулият соҳалари аниқ белгиланди.

Айримлари хусусида тўхталиб ўтадиган бўлсак, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар Сенат томонидан олтмиш кун ичида кўриб чиқилиши белгилаб қўйилди. Агар Сенат қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида олтмиш кун ичида қарор қабул қилмаса, Қонунчилик палатаси томонидан ушбу ҳужжат имзоланиши ва эълон қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилиши назарда тутилди.



Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 92-моддасига асосан Сенат аъзолари ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдан 4 нафардан сайланиши, 9 нафари эса Президент томонидан тайинланиши (жами 65 нафар) белгиланди. Доимий асосда ишловчи сенаторлар сони эса амалдагидек 25 нафар миқдорда сақлаб қолинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 104-моддасига асосан Қонунчилик палатаси депутатининг ва доимий ишлайдиган сенаторнинг ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолият билан бир қаторда ижодий фаолият билан ҳам шуғулланиши мумкинлиги ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди.

Муҳим қадамлардан яна бири — янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 98-моддасига асосан парламент қуйи палатасига қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида киритиш ҳуқуқи сайлов ҳуқуқига эга бўлган, 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқароларга, Сенатга, Омбудсманга ва Марказий сайлов комиссиясига берилишидир.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қонунчилик таклифида муайян қонунни қабул қилиш, ўзгартириш киритиш, бекор қилиш зарурати асослантирилиши ҳамда унинг ғояси ва кутилаётган натижалар ҳақида маълумот бўлиши кераклиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, фуқаролар томонидан киритиладиган қонунчилик таклифининг механизми ва унинг предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар аниқлаштирилди. Жумладан, ҳудудий яхлитликни ўзгартириш, амнистия ва афв этиш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш шундай масалалар сирасига киради.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда парламентнинг давлат сиёсатидаги таъсирини кучайтиришга хизмат қиладиган аниқ механизмлар яратилди. Хусусан, давлат кафолати остида жалб этиладиган ташқи маблағларни парламент тасдиғидан ўтказиш амалиётини жорий қилиш бюджет интизоми ва молиявий масъулият нуқтаи назаридан муҳим қадамдир. Бу ёндашув давлат қарзи масаласини фақат ижро ҳокимияти доирасида ечиш эмас, балки жамоатчилик манфаатларини ифода этувчи вакиллик органи муҳокамаси орқали қарорга айлантиришга хизмат қилади.

Яна бир жиҳат — депутат сўровлари бўйича ҳар чоракда таҳлилий маълумот тайёрлаш ва уни прокуратура органларига киритиш амалиётининг йўлга қўйилиши депутатлик сўровини оддий хат-хабар даражасидан самарали ҳуқуқий восита мақомига кўтарди. Асосий мақсад — депутат мурожаатига берилган жавоб қоғозда қолиб кетмаслиги, агар унда қонун бузилиши, масъулиятсизлик ёки адолатсиз қарор белгилари мавжуд бўлса, тегишли ҳуқуқий баҳо берилган ҳолда чора кўрилишини таъминлашдир.

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори билан Қонунчилик палатаси депутатларига халқ вакиллари ҳамда сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш мақсадида “Ташаббусли бюджет” жараёнлари доирасида ғолиб бўлмаган лойиҳани депутат ташаббусига кўра ғолиб, деб эълон қилиш ваколати берилди. Бу амалиёт депутатларнинг жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги таъсирини ошириши баробарида “депутат — халқ овози” тамойилининг амалда янада кучайишига сабаб бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида, жумладан, сўнгги ўн йилда парламент ваколатларининг кенгайиши Янги Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам таянчи ҳамда келажакдаги муваффақиятлари кафолатидир. Зеро, “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МЕТАЛЛУРГИЯ СОҲАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЮКСАЛИШ ДАВРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда жадал суръатларда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ва саноатлаштириш жараёнлари металл маҳсулотларига талабни тобора оширмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб металл маҳсулотларига йиллик эҳтиёж 1,5 баробарга кўпайиб, 8 миллион тоннадан ортиши кутиляпти. Бу рақамлар нафақат қурилиш ва машинасозлик тармоқларининг ўсишини, балки иқтисодиётимизнинг янги технологик босқичга кўтарилаётганини яққол намоён этади.



Шу маънода, Президентимизнинг Бекобод шаҳрига ташриф буюриб, Ўзбекистон металлургия комбинатида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар билан танишиши, қолаверса, қора металлургия саноатини янги босқичга олиб чиқишга бағишланган йиғилишда белгилаб берилган вазифалар мамлакат иқтисодиётининг узоқ муддатли стратегик тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Йиғилишда иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш, импортга қарамликни камайтириш, рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллектни кенг жорий этиш каби устувор йўналишлар белгилаб берилди.



Қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда металлургия соҳасида 150 га яқин ўрта ва кичик хусусий корхоналар фаолият юритмоқда. Бу эса тармоқда соғлом рақобат муҳити шаклланиб, хусусий секторнинг фаол иштироки таъминланаётганини кўрсатади. Энг муҳими, ушбу корхоналар атрофида кооперация занжирларини кенгайтириш орқали янги ишлаб чиқариш қувватлари ва минглаб янги иш ўринларини яратиш имконияти пайдо бўляпти.

Айтиш жоизки, йиғилишда Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети мамлакат металлургия тармоғини ривожлантириш бўйича “ақл маркази” тизимига асосий илмий-таҳлилий даргоҳлардан бири сифатида кириши таъкидланди. Олимларимиз зиммасига янги турдаги металл материалларига бўлган талабни таҳлил қилиш, қайси ҳудудда қандай металлургия лойиҳаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш, замонавий технологияларни жорий этиш бўйича илмий ечимлар ишлаб чиқиш ҳамда тармоқ учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш йўналишларини белгилаш каби вазифалар юклатилди.

Хўш, мазкур топшириқлар ижроси нима беради?

Аввало, янги конларни ўзлаштириш ва металлургия қувватларини ишга тушириш минглаб янги иш ўринларини яратади.

Иккинчидан, қўшимча қиймат занжири кенгайиб, хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ технологик цикл шаклланади.

Учинчидан, экспортбоп маҳсулотлар ҳажми ортиб, вилоят иқтисодий салоҳияти янада мустаҳкамланади. Бу, албатта, биз учун катта ишонч ва масъулиятдир. Энг муҳими, эндиликда илмий тадқиқотлар амалиёт билан уйғунлашади. Университет олимлари ва талабалар ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда реал муаммоларга ечим ишлаб чиқади. Бу эса инновацион ғояларнинг тезкор жорий этилишига хизмат қилади.

Айниқса, Ўзбекистон металлургия комбинати ҳудудида 90 гектар майдонда замонавий инфратузилмага эга “Ўзбекистон экологик технологиялар саноат парки” ташкил этилиши соҳанинг келажагини белгилайдиган муҳим лойиҳалардан бири ҳисобланади. Бу ерда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш ва экологик хавфсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратилади.

Бундан ташқари, мажлисда металлургия тармоғида сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали катта иқтисодий самарага эришиш мумкинлиги алоҳида қайд этилди. Шу ўринда Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида келгуси ўқув йилидан бошлаб кончилик, электр-энергетика, кимё-металлургия каби илғор муҳандислик соҳалари қаторида дастурий инжиниринг, сунъий интеллект йўналишларида мутахассислар тайёрлаш кўлами кенгайтирилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Яна бир масала, эндиликда дуал таълим тизими асосида кадрлар тайёрлаш ишлари янги босқичга олиб чиқилади. Албатта, бугунги кунда фақат муҳандис эмас, балки рақамли технологиялар, маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллектни чуқур биладиган янги авлод мутахассислари саноатимиз учун ўта зарур. Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги бундай ҳамкорлик таълим мазмунини ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш ва корхоналар учун зарур бўлган малакали муҳандисларни тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2030 йилга қадар 240 миллиард долларга етказиш мақсади қўйилган экан, бунда металлургия тармоғи ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан, белгиланган барча лойиҳа ҳамда берилган топшириқларнинг самарали ижросига Навоий вилоятидаги илмий салоҳиятни тўлиқ сафарбар этиш стратегик вазифамизга айланади.

Бахтиёр МАРДОНОВ,
Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ректори, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати.

КИМЁ САНОАТИ

инновацион ва индустриал ривожланиш босқичига чиқмоқда



Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган очиқлик сиёсати, айниқса, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва саноатлаштиришни чуқурлаштиришга қаратилган ислоҳотлар иқтисодиёт тармоқларида мутлақо янги, таъбир жоиз бўлса, креатив муҳитни шакллантирди. Буни иқтисодиётимизнинг таянч тармоқларидан бири бўлган кимё саноати тубдан янгиланаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Гап шундаки, бундан ўн йил аввал тармоқ бир йўналиш, асосан, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга боғланиб қолган бўлса, бугунги кунда у мамлакат саноат сиёсати, экспорт стратегияси ва юқори қўшилган қиймат яратишнинг муҳим устунларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан саноатлашган, технологик ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларнинг изчил ижроси тармоқ трансформациясининг бош мезони бўлиб хизмат қилди, албатта.

Тармоқ қиёфаси ўзгарди

Охирги олти-етти йил давомида кимё саноатида амалга оширилган ислоҳотлар ўзининг аниқ иқтисодий самараларини берди. Ушбу даврда ишлаб чиқариш ҳажми “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида 24,3 трлн. сўмга етгани, экспорт ҳажми 197 млн. доллардан 720 млн. долларгача кўпайгани сўзимиз тасдиғидир. Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири — бу инвестициялар ҳажми икки баробардан зиёд ўсиб, 658,5 млн. долларни ташкил этганидир. Буларнинг барчаси кимё саноати сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга кўтарилганидан ёрқин далолат.

Дарҳақиқат, илгари хориждан импорт қилинган 60 дан зиёд турдаги маҳсулотларни ўтган қисқа давр ичида юртимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада тизим корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар тури 200 тага етказилди. Булар кичик рақамлар эмас, уларнинг ортида минглаб муҳандислар, олимлар, мутахассислар ва ишчиларнинг фидокорона меҳнати, энг асосийси, давлат томонидан юритилаётган оқилона саноат сиёсати ҳамда яратиб берилган қулай инвестиция муҳити мужассам.

Инвестициялар — тараққиётнинг асосий омили. Усиз ҳеч бир соҳада ривожланиш ҳам, юксалиш ҳам кузатилмайди. Шу маънода, инвестицияларни иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий куч — драйвер, дейиш мумкин. Масалага ана шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, кимё саноати иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадор тармоқларидан бирига айланди. Кейинги йилларда соҳага 8 млрд. 300 млн. доллар инвестиция киритилиб, 87 та йирик қувват ишга туширилгани шундай дейишимизга асос бўла олади, албатта.

Республика кимё саноатининг жами ишлаб чиқариш ҳажми 63 трлн. сўмга етди. Бу кўрсаткич кимё, полимер ва резинатехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Пировардида Янги Ўзбекистон кимё саноатидаги энг замонавий корхоналар нафақат Марказий Осиё, балки МДҲ ҳудудида ҳам йирик технологик майдонлар сифатида эътироф этилмоқда. Хусусан, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида амалга оширилган ПВХ, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси, аммиак ва карбамид мажмуаси ҳамда азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватлари мамлакат саноат тарихидаги энг йирик инвестициявий лойиҳалар қаторига киради. Ушбу корхоналарнинг ишга туширилиши импорт ҳажмини кескин камайтириш баробарида юқори технологик маҳсулотлар экспортини кўпайтириш имконини берди.



Стратегик вазифалар ва улкан марралар

Очиғини айтиш керак, соҳада қўлга киритилаётган залварли ютуқлар билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган кимё саноатини жадал ривожлантириш ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида рўйирост айтилди.

Қайд этилганидек, сўнгги тўққиз йилда республика саноати ўртача 6,3 фоизга ўсган бир пайтда кимё саноатида бу кўрсаткичнинг 3 фоизга ҳам етмагани, шунингдек, кимё маҳсулотлари импортининг 4,5 млрд. долларгача ошгани тармоқ олдида турган вазифалар нақадар долзарб эканини кўрсатади. Бу рақамлар мавжуд муаммони эмас, балки ҳали тўлиқ ишга солинмаган улкан иқтисодий ва инвестициявий салоҳият борлигини ҳам ифода этади. Танқидий таҳлил асосида белгилаб берилган устувор вазифалар мамлакатимиз кимё саноатида янги давр бошланганини англатади.

Шундан келиб чиқиб, бугун инвестициявий лойиҳалар ижросини жадаллаштириш, янги қувватларни ишга тушириш ҳамда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини ошириш устида изланиб, бор имкониятлар ишга солинмоқда. Чунки кимё саноатининг барқарор ўсиши тармоқ тараққиётигагина эмас, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги ва саноат салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Ана шундай катта масъулият чуқур ҳис этилган ҳолда, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги асосида янги саноат экотизими шакллантирилмоқда. Бу эса рақобат муҳитини кучайтириш, янги технологияларни жалб қилиш орқали ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Бу ҳақда сўз юритилганда, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган кимё-индустриал технопарклар тармоқнинг янги драйверларига айланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. “Чирчиқ” ва “Жиззах” кимё-индустриал технопарклари, Навоий, Фарғона ва Қорақалпоғистон кимё кластерлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимизда юқори қўшилган қиймат занжирларини шакллантиряпти.

Ушбу ҳудудларда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали янги авлод кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мисол учун, “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркидаги биргина “BCG Group OZ” корхонаси томонидан 80 дан ортиқ турдаги маиший ва автомобиль кимё маҳсулотлари етказиб бериляпти. Маҳсулотларнинг сифати миллий ва халқаро ҳужжатлар, хусусан, ISO 9001, “Ҳалол” ҳамда МДҲ давлатлари сертификатлари билан тасдиқлангани боис ташқи бозорда талаб катта. 2026 йилда 260,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, 3 млн. долларлик маҳсулот Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон каби қўшни давлатларга экспорт қилинади. Шубҳасиз, бу Юртбошимиз томонидан илгари сурилган “хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ занжирни яратиш” тамойилининг амалий ифодасидир.

Келажак технологиялари

“Яшил” иқтисодиёт тамойиллари бутун дунё саноати тараққиётида асосий мезонга айлангани айни ҳақиқат. Ўзбекистон ҳам мазкур глобал жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида атроф-муҳитга таъсирни камайтиришга қаратилган барқарор ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу эса халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланяпти. Чунки кимё саноати мисолида айтганда ҳам “яшил” иқтисодиёт тамойилларига асосланган лойиҳалар сони тобора ортмоқда.

Чирчиқ шаҳрида ишга туширилган “яшил” водород ишлаб чиқариш лойиҳаси мамлакатимиз энергетика ва кимё саноати тарихида янги саҳифа очиб берди. Бинобарин, Ўзбекистон ушбу лойиҳа доирасида “яшил” водород ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига қўшилди. Ёки бўлмаса, “Навоийазот”да 300 мегаваттли фотоэлектр станцияси ўрнатилганини олайлик. Бу қайта тикланувчи энергия манбаларини саноатга кенг жорий этиш борасидаги муҳим қадам бўлди. Бундай кўплаб лойиҳалар Янги Ўзбекистоннинг экологик барқарор ва рақобатбардош иқтисодиёт қуриш йўлидаги қатъий сиёсатини ёрқин намоён этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2030 йилга қадар кимё саноатини янада юқори босқичга олиб чиқиш юзасидан белгиланган мақсадли вазифалар ижросида ҳам “яшил” иқтисодиёт тамойиллари устувор аҳамият касб этади. Ушбу даврда маҳсулот ишлаб чиқаришни 74,2 трлн. сўмга, экспорт ҳажмини 3,8 млрд. долларга етказиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, тармоқ таркиби тубдан диверсификация қилиниб, асосий эътибор юқори қўшилган қийматли кимё ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётида полимер маҳсулотларига талаб кескин ошмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, 2026 — 2030 йилларда бажарилиши режалаштирилган 17 млрд. долларлик 350 тадан зиёд лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодиётида янги индустриал инқилобга мустаҳкам пойдевор бўлади, деб бемалол айта оламиз.

Кўриниб турибдики, ўтган вақтда кимё саноатида келгуси ўн йиллик учун белгиланган стратегик мақсадлар, улкан режаларга эришиш учун мустаҳкам асос яратилди. Олдимизда турган вазифалар эса янада улкан. Зеро, биз Янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим босқичида турибмиз. Бу жараёнда кимё саноати мамлакат иқтисодиётининг таянч тармоғи сифатида инновацион ва индустриал ривожланишнинг чинакам тимсолига айланиши зарур. Давлатимиз раҳбарининг соҳага юксак эътибори, яратиб берилаётган қулай шарт-шароит, мавжуд салоҳият, замонавий технологиялар, инвестициялар ва инсон капитали бизга ана шундай юксак маррани забт этиш имконини беради, албатта.

Одил ТЕМИРОВ,
“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.

15 июлдан «Ташаббусли бюджет» жараёнининг 2026 йилги иккинчи мавсуми — лойиҳа киритиш босқичи бошланди. Ташаббускор фуқаролар 3 августгача ўз лойиҳаларини «Openbudget.uz» порталида илгари суришлари мумкин.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 16 июль

ДУНЁНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН РИШТОН КУЛОЛЛАРИ



Риштон кулолчилиги кўргазмаси илк маротаба 1897 йили Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган. Бугунги кунда АҚШ, Буюк Британия, Норвегия, Австрия, Швеция, Япония, Германия, Нидерландия, Россиянинг жаҳонга машҳур музейларида Риштон кулолчилик санъати асарлари сақланаётгани ҳам ҳудудга хос амалий санъат нечоғли кўҳна эканидан далолат беради.



Ҳунармандчилик

Бу соҳага эътибор ва рағбат туфайли кейинги йилларда Риштонда учта йирик кулолчилик маркази фойдаланишга топширилди. Хусусан, 2021 йили Халқаро кулолчилик маркази бунёд этилди. Жаҳон андозалари бўйича тикланган икки қаватли мажмуада риштонлик энг моҳир 20 нафар уста-кулол ижод қилмоқда. Асрлар мобайнида ушбу ҳунар авлоддан-авлодга ўтиб келаётган Қалайнав ва Оқ ер маҳаллаларида ҳам кулоллар марказлари ташкил этилган. Ўн нафарга яқин машҳур кулоллар ўз хонадонида уй-музей фаолиятини йўлга қўйган.

Кейинги йилларда халқаро ҳамкорлик доирасида Исмоили (Озарбайжон), Дерута (Италия), Кутахия (Туркия), Хўжанд (Тожикистон), Туркистон (Қозоғистон) каби кулолчилик яхши ривожланган шаҳарлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Риштонда қарийб 600 нафар кулол Республика "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси сифатида рўйхатдан ўтган. Уларнинг шогирдлари 3,5 минг нафардан зиёд.

Шунингдек, "Навбаҳор" МФЙ ҳудудида кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган саноат зонаси мавжуд. Унда 220 дан ортиқ кулоллар фаолият кўрсатади.

2018 йили кулоллар сулоласининг учинчи авлод вакили Шарофиддин Юсупов Кунчиқар юртда мезбонлар кўз ўнгида ноёб кулолчилик маҳсулотларини тайёрлаб, японларни ҳайратга солган эди. "Мингбоши керамик" оилавий корхонаси раҳбари, ёш кулол Шокиржон Аҳмаджонов эса ўз маҳсулотлари билан аллақачон Европа ва АҚШ бозорларини забт этди.

— Ота-боболаримиздан мерос ҳунар замонавий мезонлар асосида такомиллашиб бораётгани эътиборга сазовор, — дейди машҳур кулолчилар сулоласи вакили Алишер Назиров. — Халқаро ҳамкорлик доирасида Риштон шаҳрида япон мактабини ташкил этганмиз. Ўнлаб янги авлод вакиллари япон тилини ўрганиб, ушбу юртнинг нуфузли олий ва профессионал таълим муассасаларида ўқияпти, меҳнат бозорида рақобатдош мутахассис ҳунарманд сифатида ўз ўрнини топмоқда. Кулолчиликда асосий хомашё — тупроқ. Келиб чиқиши ва таркиби турлича бўлган тупроқлардан ҳар хил кулолчилик маҳсулотлари тайёрланади. Лой қанча кўп пишитилса, сопол-нинг сифати шунча яхши бўлади. Асосий меҳнат қуроли — кулоллик чархи: уста унда идишлар тайёрлайди ва уларга шакл беради. Тайёрланган идишлар қуритилиб, хумдонда қиздирилади. Идиш турига қараб хумдонлар ҳам турлича (катта-кичик) бўлади. Сирланадиган идишлар сирланганидан сўнг яна бир бор хумдонда қиздирилади.

Машҳур кулол Бунёд Юнусов ва унинг шогирдлари ишини кузатиш жуда мароқли. Уста соз тупроқ ва сувни тенг миқдорда олиб, лойқа тайёрлайди ва элакдан ўтказади. Лойқа махсус қурилмада лой ҳолатига келтирилиб, ичидаги ҳавоси чиқарилади. Лой махсус матога ўралиб, уч кун тиндирилади. Тобига келган хомашё билан чархда ишлаш осон кечади. Дастгоҳда ясалган маҳсулот бир кун қуритилади.

Кейинги босқичда буюмнинг таг қисми кажкорд (кашкорд) пичоғида текисланади ва керакли шакл берилади. Шу тарика сопол яна қуритилиб, тайёр маҳсулот кўринишига келтириш жараёни бошланади. Кулол яратган буюм сифатли чиқишида қуёш нури муҳим саналади. Анъанавий кулолчиликда ранглар ёрқин бўлиши учун фон берилиши керак. Усталар тилида бу "лоялаш" дейилади. Тоғли ҳудудлардан олинган оқ тош, яъни кварц майдаланади ва суюқ лой ҳолига келтирилиб, буюм юпқа лояланади. Кулолчиликнинг энг муҳим жараёни сирлашдир. Қирқбўғим, гулоба каби гиёҳлар меъёрига етиб яшил тусга кирганида уюм қилиб йиғилиб, ўша жойнинг ўзида ёқилади. Бу жараёнда гиёҳлар таркибидаги тузли сувлар ширага айланиб, қотишма ҳолига келади. У юқори ҳароратда қиздирилган печкага солинса, шишасимон модда ҳосил бўлади ва идишлар ишқорланади, яъни сирлаб чиқилади. Сир буюмдаги рангларни жилодор кўрсатиб беришга хизмат қилади.

Нодиржон Элибоев кулолчиликда сулоланинг муносиб давомчиларидан бўлиб, у учинчи авлод вакили. Бобоси ва отаси ўз вақтида Риштонда таниқли кулол бўлган.

— Оиламиздаги уч ўғил ва икки қиз ҳам кулолчилик билан шуғулланади. Ўн — ўн икки ёшларимдан лойдан буюмлар ясашга ишқим тушган, — дейди у. — Орадан ўттиз йил вақт ўтиб ҳам ўша иштиёқ сўнгани йўқ. Кулолчилик — ҳаётим мазмуни. Ҳар куни кўзимиз ясаётган буюмда, оёқларимиз чархда, қўлларимиз айланаётган лой устида, фикру хаёлимиз эса янги режалар билан банд бўлади. Оёқ остида ётган оддий тупроқ қўлингизда жарангдор маҳсулотга айланади, бу жуда ҳайратланарли!

Уста яратган мўъжиза — рангин ва такрорланмас сопол буюмлар дунёнинг кўп жойларида намойиш этилган. Франция, Италия, Германия каби Европа давлатлари, Россия ва қўшни мамлакатлардан келган сайёҳлар уста кулолнинг устахонасида соатлаб қолиб кетади. Баъзан ўз қўллари билан бирор буюм ясашга ҳам уринишади.

— Риштоннинг қизил тупроғи — мўъжизавий кучга эга, унинг ўзига яраша "шира"си бор, — дейди Тоҳиржон Ҳайдаров. — Лойдан буюм ясаш, шакл бериш, пиширишбир санъат бўлса, унга ранг бериш, нақш, гуллар солиш алоҳида жараён. Кейинги йилларда фарзандларим ва шогирдлар билан миллий ва Европа анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда янги дизайн ва нақш-гуллар яратиш устида иш олиб боряпман.

Риштонда Тоҳиржон Ҳайдаровни ҳамма "Тоҳир сопол" сифатида танийди. Бу ном унга ардоқли ёзувчимиз Саид Аҳмаддан мерос. Тоҳир ака бир муддат "Муштум" журналида рассом бўлиб ишлаган. Ўша йиллари сопол идишларга машҳур ижодкорларимизнинг суратларини чизишга одатланди. Бугун ҳам бежирим кулолчилик маҳсулотларида мумтоз ёзувчи, шоирларимиз, жадидлар қиёфаси акс эттирилмоқда.

Ўтган йили иккинчи Халқаро кулолчилик форумида Риштонга "Дунё ҳунармандлари шаҳри" мақоми берилди. Саховатли замин бағридан олинган соз тупроққа меҳр ва илҳом алангасини уйғунлаштириб, санъат асари яратиб, одамлар қалбига эзгулик уруғларини қадаётган риштонлик уста кулоллар дунёни ҳайратлантиришда давом этмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
("Халқ сўзи").

КЕЛАЖАК САРИ МАСЪУЛИЯТЛИ ҚАДАМ



1 Маълум қилинишича, тест синовларининг биринчи куни — 14 июлда республика бўйлаб 62 минг нафардан зиёд абитуриентлар билимларини синовдан ўтказди. Белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этмаган 7 нафар абитуриент эса имтиҳон жараёнидан четлатилди.

Мутасаддилар абитуриентларга рухсатномада кўрсатилган сана, вақт ва манзилга қатъий амал қилиш, имтиҳон ҳудудига белгиланган вақтдан камида бир ярим соат олдин етиб келиш ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини кўрсатиш зарурлигини эслатмоқда.

Айни кунларда олий таълим ташкилотларида касбий (ижодий) имтиҳонлар ҳам изчил давом этмоқда. Жумладан, 15 июль куни бундай имтиҳонлар 18 та олий таълим ташкилотида белгиланган тартиб асосида ташкил қилинди. Уларнинг боришини "imtihon.edu.uz" платформаси орқали онлайн кузатиш имконияти ҳам яратилган.

Олий таълимга қабул жараёни — бу шунчаки имтиҳон эмас, балки мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, билимли ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашга қаратилган муҳим давлат сиёсатининг амалдаги ифодасидир. Бугун синовдан ўтаётган ҳар бир ёш эртанги Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук мутахассис бўлиш сари дадил қадам қўймоқда.

"Халқ сўзи".

Муносабат

АДАБИЁТ МУЗЕЙИ ФАОЛИЯТИНИ КЎРКАМ БИНОДА ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Ижтимоий тармоқларда Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи фаолияти билан боғлиқ турли муҳокамалар авж олган бир пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси расмий муносабат билан чиқди.

Унда таъкидланишича, музейда амалга оширилаётган ишлар муассаса фаолиятини тўхтатиш ёки унинг ноёб бойликларини бошқа жойга олиб кетишга эмас, балки бебаҳо маданий меросни янада ишончли муҳофаза қилиш, рақамлаштириш ва замонавий талаблар асосида сақлашга қаратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 20 майдаги фармойишига мувофиқ, Янги Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи учун барпо этилаётган янги бино фойдаланишга топширилгунга қадар музей фондидаги нодир қўлёзма ва тошбосма манбалар ҳамда "Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари архиви" фонди Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида, бошқа экспонатлар эса Фанлар академиясининг Антропология институтида вақтинча сақланади.

Расмий маълумотга кўра, ҳозирги вақтда музей томошабинлар ва тадқиқотчилар учун вақтинча ёпилган бўлсада, муассаса ходимлари ўз хизмат вазифаларини белгиланган тартибда давом эттирмоқда. Шу кунга қадар 1 491 та тошбосма манба, 439 та папкадаги фото-нусха, 145 та папкадаги плёнка ва негативлар, шунингдек, 1 миллион 416 минг 512 та ҳужжатни ўз ичига олган "Ўзбекистон ёзувчилари ва шоирлари архиви" фонди бирламчи хатловдан ўтказилган. Музей экспонатларини хатловдан ўтказиш ишлари изчил давом этмоқда.

Фанлар академияси барча жараён белгиланган тартиб ва қонунчилик талаблари асосида, масъул мутахассислар иштирокида амалга оширилаётганини қайд этиб, жамоатчиликни ижтимоий тармоқларда тарқалаётган тасдиқланмаган маълумотларга эмас, расмий ахборот манбаларига таянишга чақирди.

Шу тариқа Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи ўзининг бебаҳо хазинасини замонавий талаблар асосида асраб-авайлаган ҳолда, Янги Тошкент шаҳрида қурилаётган янги бинода фаолиятини давом эттиради.

"Халқ сўзи".



ЯНГИЛАНГАН "ВАТАНПАРВАР" БОҒИ

Самарқанд шаҳрида "Ватанпарвар" боғи фойдаланишга топширилди.

Қулайлик

"Farovon Turkman City" масъулияти чекланган жамияти томонидан янгидан барпо қилинган замонавий дам олиш масканида 30 дан ортиқ аттракцион ва ўйин қурилмалари ўрнатилиб, қулай пиёдалар йўлаклари, кўркам павильон ҳамда яшил ҳудудлар ташкил этилди. Масканда бир вақтнинг ўзида мингдан зиёд аҳоли ва сайёҳларга юқори сифатли сервис хизмати кўрсатиш имконияти мавжуд. Мажмуанинг диққатга сазовор объектлари қаторидан сунъий кўл, унинг устида узунлиги 85 метр ва баландлиги 25 метр бўлган ойнали кўприк, кичик ҳайвонот боғи, автодром ҳамда картинг майдони ўрин олган. Маҳобатли чархпалакнинг баландлиги 92 метр бўлиб, ушбу қурилма 49 та шинам, хавфсиз ва қулай кабинадан иборат, унинг кенг ва ҳашаматли кутиш зали ҳам мавжуд.

Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 250 та янги иш ўрни яратилгани хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий инфратузилма, бир неча турдаги кўнгилочар иншоотлар ва ноёб архитектура ечимларини ўзида мужассам этган "Ватанпарвар" боғи, ҳеч шубҳасиз, яқин вақт ичида Самарқандниг энг гавжум ва севимли масканларидан бирига айланади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
("Халқ сўзи").

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКНИНГ АЯНЧЛИ ЯКУНИ

Оилавий, маиший зўравонликлар жамиятда энг кўп учрайдиган муаммолардан бири ҳисобланади. Қашқадарё вилоятидаги жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ўтган йили оилавий зўравонликка оид 90 га яқин иш кўрилган. Уларнинг аксариятида аёллар жабрдийда бўлишган. Ўнга яқин ҳолатларда эр-хотин, қайнона-келин ёки турмуш ўртоғи ўртасидаги ўзаро низо, жанжалларнинг оқибати аёлнинг ўз жонига қасд қилишга олиб келган.

Таассуф

Қамашилик Эъзоза Ботирова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қўшни маҳаллалик Ҳабиб исмли йигит билан бир-бирига кўнгил қўйиб, турмуш қуришга аҳду паймон қилишган эди. Икки оила улуғлари ҳам ёшларнинг бу қарорини қўллаб-қувватлашди. 2023 йил 9 октябрь куни уларнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Тўйдан бир неча кун ўтиб, қайнотаси ишлаш учун хорижга жўнаб кетди. Турмуш ўртоғи ҳам пул топиш илинжида Тошкент шаҳрига отланди. Уйда қайнонаси, 14 ёшли қайнсинглиси ва ўзи қолди. Шундан сўнг қайнонанинг фикру хаёлини келинни ўз йўриғига юргизиш васвасаси эгаллаб олди. У Эъзозага телефондан фойдаланишни тақиқлади, қачон уйқуга ётишию қачон уйғониши, ҳатто ейдиган овқатининг миқдорини ҳам белгилаб берди. Уйдаги барча юмушлар ҳомиладор келиннинг зиммасига юкланди. Эъзоза қайнонаси айтган ишларни бекаму кўст бажарар, лекин "ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ" бўлиб қолаверди. Натижада қайнона-келин ўртасида уруш-жанжал авж ола бошлади. Келин кунора калтакланиб, уйдан қувилар, ота-онаси ва маҳалла фаоллари эса унга панд-насиҳат қилиб, яна қайнонасининг ихтиёрига топшириб кетишарди. Бу орада Эъзоза ўғил фарзандли бўлди. Аммо оиладаги ғавғолар, қайнонасининг зуғумлари исканжасида оналик қувончи ҳам татимади. Ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан жуда чарчади. У кейинги ҳаёти қандай бўлишини ўйлаб сиқилар, ўз олдида бирор-бир ёруғ йўл кўрмасди. Ўша куни ҳам қайнонаси калтаклади, боз устига уйдан чиқариб юбориб, қайтиб дарвозадан киритмади. Бутун танаси калтак зарбидан моматалоқ бўлган келин чақалоғини опичлаб, зор йиғлаганча яна ота-онасининг уйига борди.

2025 йилнинг 28 июль санаси. Тошкентдан уйга қайтган Ҳабиб онасининг қаршилигига қарамай, Эъзозани қайтариб олиб кетди. Ўғлининг бу иши қайнонанинг баттар ғазабини қўзғади. У Эъзозага нисбатан зуғумларини, руҳий босимни янада оширди. Бу хўрликлар жон-жонидан ўтиб бораётгани, ортиқ бундай яшашга тоқат қилолмаслигини билган келин айни туш вақтида ҳамманинг уйқуга киришини кутиб, сўнг ўзи оғилхона томон йўл олди...

Эъзоза Ботированинг ўлими юзасидан тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб борилди. Суд-тиббий экспертиза хулосалари олинди. Натижада 1976 йилда туғилган фуқаро Гулнора Чориева ўз келини Эъзоза Ботированинг қадр-қимматини топтаб, унга жисмоний ва руҳий босим ўтказиб, ўз жонига қасд қилиш даражасига олиб келганлиги ҳолати тўлиқ исботини топди. Жиноят ишлари бўйича Қамаши тумани судининг очиқ суд мажлисида мазкур қилмиш кўриб чиқилиб, Гулнора Чориевага нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Ёки Чироқчи туманининг Кўктош маҳалласида яшовчи Санжар Қобилов ҳам шу маҳаллалик Шаҳзода Холиқова билан турмуш қурган. Аммо тўйдан бир йил ўтмай ўзи ишлаш учун хорижга жўнаб кетди. Уйдан олис кетган Санжарнинг фикру хаёлини турмуш ўртоғига нисбатан турли шубҳа-гумонлар эгаллай бошлайди. У ҳар куни ўнлаб маротаба Шаҳзодага видеоқўнғироқ қилиб, қаердалигини текширар, агар бирор сафар аёли қўнғироғига жавоб бера олмай қолса ёки кеч жавоб берса, уни қўпол сўзлар билан ҳақоратлаб, аёллик шаъни, инсоний қадр-қимматини топтарди. Шаҳзода турмуш ўртоғининг шубҳа-гумонлар васвасасига тушиб қолганини билар, шу боис имкон қадар унинг талабларига бўйсуниб, вазиятни юмшатишга ҳаракат қилди. Йиллар давомида ўзи хорижда бўлган турмуш ўртоғининг ўринсиз талаблари ва ҳақоратларига кўниб яшади. Ниҳоят, беш йил деганда Санжар уйга қайтди. Шаҳзода энди турмуш ўртоғининг шубҳа-гумонлари ариб, ҳаётлари изга тушиб кетишини кутганди. Аммо ундай бўлмади. Санжар Шаҳзодани ўзи хорижда эканлигида бегона эркаклар билан юрганликда айблаб, унга руҳий босим ўтказишда давом этаверди. Охири бу хўрликларга чидай олмаган аёл ота уйига кетди. Орадан бир неча кун ўтгач, икки оила катталарининг аралашуви билан эр-хотин ўзаро яраштирилиб, Шаҳзода уйига қайтди. Бу пайтда Санжар ишлаш учун Тошкент шаҳрига кетаётган эди. Ижарага квартира олиб, Шаҳзода ва олти ёшли фарзандини ҳам бирга олиб кетди.

Пойтахтда ҳам одатий жанжаллар давом этаверди. Бир сафар Санжар Шаҳзодани уриб, уйдан чиқариб юборди. Вояга етмаган фарзандини эса унга бермасдан, ўзи билан олиб қолди. Катта шаҳарда пулсиз, бошпанасиз қолган аёл нима қиларини билмасдан, шу ерда яшовчи қариндошларидан бирининг телефон рақамини топиб, унга қўнғироқ қилди. Ва бир неча кун давомида қариндошларининг уйида яшаб юрди. Аммо Санжар уни бу ерда ҳам тинч қўймади. Шаҳзода унинг тазйиқи остида ноилож уйга қайтишга мажбур бўлди. Эр-хотин ўртасидаги охирги жанжал 2025 йилнинг 24 июнь куни бўлди. Яна аёвсиз калтакланган, ҳақоратланган, инсоний қадр қиммати топталган аёл узоқ ва унсиз йиғлади. У энди нима қилиш кераклигини билмас, олдинда бирор-бир ёруғ йўл кўрмасди...

Шаҳзода Холиқованинг ўз жонига қасд этиш ҳолати бўйича суриштирув-тергов ҳаракатлари олиб борилди. Тегишли суд-тиббий экспертизалари ўтказилди, суд-психологик хулосалари олинди. Турмуш ўртоғи билан телефон сўзлашувлари, ёзишмалар ўрганилиб, психологик таҳлилдан ўтказилди. Барча ашёвий далиллар марҳуманинг ўз жонига қасд қилиши турмуш ўртоғи томонидан унга нисбатан ўтказилган жисмоний ва руҳий тазйиқ натижасида содир бўлганини кўрсатиб турарди. Жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг очиқ суд мажлисида Санжар Қобилов томонидан содир этилган мазкур қилмиш кўриб чиқилиб, унга нисбатан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ҳа, бугун ажримларнинг олдини олиш, уларнинг сонини камайтириш, низоли оилаларни яраштириш билан шуғулланадиган қанча-қанча ишчи гуруҳлар, комиссиялар, масъул ходимлар бор. Улар муаммонинг оқибати билан курашаётгандир, лекин уни келтириб чиқараётган сабаблар, бунга замин яратган шарт-шароитлар билан қизиқяптими? Агар ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, ишчи гуруҳлар юқоридаги ҳолатларга бефарқ бўлмаганида, муаммонинг ич-ичига кириб, уни ҳал этиш чораларини кўришганида, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги низолар бунчалик авж олиб кетмаган, иккита ёш умр эрта хазонга айланмаган бўларди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
("Халқ сўзи").

Мамлакатимизда 2026/2027 ўқув йили учун ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва таълим шаклини ўзгартириш бўйича аризалар топшириш жараёни расман старт олди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6